

Боходир Эшов

**ЎРТА ОСИЁНИНГ  
ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ  
ТАРИХИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*ЎзМУнинг 90 йиллигига бағишланади.*

**Боходир Эшов**

**ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ  
ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ**  
(Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик)

Тошкент  
“Fan va texnologiya”  
2008

Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т., “Fan va texnologiya”, 2008, 236 бет.

Ушбу дарсликда Ўрта Осиё минтақасидаги қадимги шаҳарлар тарихи ёритилган. Муаллиф бой илмий адабиётларни ўрганиш ҳамда айрим кўхна шаҳарлар харобалари қазилмаларида иштирок этиш асосида ўлкамиз ҳудудларидаги урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари муаммолари бўйича хулосалар берган. Ҳозирги кунга қадар “Шаҳарлар тарихи” махсус курси бўйича дарслик яратилмаган (Муаллиф томонидан 2006 йилда чоп этилган “Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи” ўқув қўлланмаси бундан мустасно).

Тарихчи, иқтисодчи, географ ва демограф талабалар учун мўлжалланган ушбу дарслик бу йўналишдаги дастлабки ишлардан бири бўлганлиги боис, унда айрим камчиликлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни муаллиф бажонидил қабул қилади.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф.А.С.Сағдуллаев

Тақризчилар: т.ф.д., проф.Р.Х.Сулаймонов;  
т.ф.д., проф.А.С.Солиев.

Дарслик Ўзбекистон Миллий университети ўқув-услубий Кенгаши ва Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан чоп этишга тавсия қилинган.

## Кириш

Ўрта Осиё цивилизацияси жаҳон тарихи тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақа илк шаҳарлари Қадимги Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари ҳам Қадимги Шарқ цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тарихий-маданий жараёнлар тараққий топган. Минтақа кулай географик жойлашувга эга бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида бир-бирига боғлаб турган.

Урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қадимги шаҳар маданияти заминида ўзбек давлатчилигининг асосий омиллари ва пойдевори ётади. Шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихи масалаларини ўрганиш зарурияти Республика Президенти И.А.Каримов томонидан махсус таъкидлаб ўтилди<sup>1</sup>.

Илгариги давр тарихий адабиётларда кам ҳолларда «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Турон–Мовароуннаҳр цивилизацияси» тушунчаси ишлатилар эди. «Ўзбекистон цивилизацияси» деган сўз эса умуман тилга олинмаган эди. Сўнгги йилларда турли шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган махсус илмий-тадқиқотлар ва янги кашфиётлар натижасида Ўрта Осиё урбанизацияси муаммоларига қизиқиш янада кучайди ва турли қадимги шаҳарларнинг тарихи ёритилди. Тўпланган илмий маълумотлар, фанга жорий этилган далиллар Ўрта Осиё шаҳарлари тарихини янги асосларда тадқиқ этиш, илмий ёндашувлар ва концепцияларни умумлаштиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди.

Юртимизда илк шаҳарсозлик асосларининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари асосан ёзувсиз даврларга тўғри келади. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда, улардан асл манбалар сифатида фойдаланиш долзарбдир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўли. -Т. "Шарқ", 1998.

Машхур археолог олим Б.А.Рибаковнинг фикрича, археологиянинг тарихийлиги нафақат тарихнинг турли даврларидаги воқеаларни ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлабгина қолмасдан, балки қатор муҳим тарихий муаммолар: хўжалик тарихи, ижтимоий ривожланиш тарихи, дин ва санъат, этногенез ва қадимги қабилалар миграцияси тарихи, давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари, антик ёки ўрта асрлар шаҳарлари масалалари, савдо-сотиқ тарихи, маданиятларнинг ўзаро алмашинуви каби масалаларни ўрганиш билан изоҳланади.

Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўп миқёсли турли-туман материаллар орқали очиб беришга имконият яратади.

Айни пайтда, ҳақиқий тарихни очиб бериш мақсадида археологик манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш талаб этилади. Ушбу услубий ёндашув тўлалигича шаҳар маданиятининг дастлабки босқичлари учун ҳам ҳосдир. Бу жараёни ўрганиш учун тарихий ва археологик ўрганиш услубларининг таҳлили ўта муҳимдир.

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи 100 йилдан зиёдрок вақтни ўз ичига олади (бу жараён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қизиқмаларидан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган). Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Сўғд, Фарғона ва Чоч) шаҳар маданияти тарихига бағишланган монографиялар бўлимлари нашр юзини кўрди.

Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг тараққиёт босқичлари мавзуси бўйича бугунга қадар амалга оширилган тадқиқотлар орасида минтақада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини тўла ҳолича камраб олувчи илмий тадқиқотлар жуда кам. Улар асосан алоҳида шаҳарлар ва тарихий-маданий вилоятлардаги шаҳарсозлик маданиятига бағишланган. Антиқ ва ўрта асрлар даври шаҳарлар тараққиёти ҳақида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилган. Аммо минтақада

илк шаҳарсозлик тарихи бутун минтақа миқёсида илмий тадқиқот сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

Айниқса, қадимги шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотлар кам бўлиб, ушбу долзарб мавзу махсус таҳлилга муҳтож. Мавжуд манбалар ва маълумотлар қадимги шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари марказлари, иқтисодий ва технологик янгиликлар масканлари сифатида чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишнинг энг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, цивилизация билан боғлиқ бўлган янги шаҳарсозлик маданияти марказларининг турли ҳудудларда пайдо бўлиши ўзининг аҳамиятига кўра, жамият ривожланишининг ўзаро алоқалари ва умуммаданий аънаналарида ҳам кузатилади. Масаланинг кам ўрганилган ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

Илк шаҳарлар тарихида рўй берган маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни, илк шаҳарлар тараққий этишининг асосий омиллари ва сабабларини замонавий ёндашувлар асосида аниқлаш мақсадидан келиб чиқиб, дарслик олдига қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

-қадимги Ўрта Осиё шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи мавзусида тарихий мазмунга эга махсус тадқиқотни яратиш жараёнида археология маълумотларини тарихий манба сифатида умумлаштириш ҳамда археологик маълумотларни тарихга йўналтиришнинг беқиёс аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-«шаҳар»ни тарихий тушунча сифатида изоҳлаш ҳақидаги турли концепциялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш ва ушбу тушунча бўйича қилинган илмий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, илк шаҳарлар ҳақидаги илмий-услубий ёндашувлар ҳамда концепцияларни ўзаро қиёсий таққослаш асосида илмий хулосалар чиқариш;

-илк шаҳарлар пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини, асосий омилларини археологик маълумотлар асосида қиёсий ва умумлашма ҳолатда ўрганиш;

-Қадимги Шарқ ва жаҳон тарихидаги илк шаҳарсозлик маданияти тараққиёти қонуниятларини таҳлил этиш, урбанизация жараёнларининг янги тарихий-маданий вилоятлар пайдо бўлишидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-бронза ва илк темир даври Ўрта осиеда шаҳар маданияти ривожланишининг характерли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини қиёсий таҳлилар орқали очиб бериш,

-минтақадаги урбанизация жараёнлари даврлаштирилишига аниқликлар киритиш;

-жанубий Туркманистон ва Ўзбекистондаги илк шаҳар марказларини изоҳлаш, Ўрта Осие шаҳар маданияти ривожланишининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш;

-Ўрта Осие ҳудудларида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиш асосларини кўриб чиқиш ва бу жараёнда шаҳарларнинг аҳамиятини, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функцияларини янги маълумотларга таянган ҳолда тадқиқ этиш;

-Аҳмонийларгача бўлган давр қадимги Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм ва Фарғона шаҳарсозлик маданияти тарихини умумлаштирилган ҳолда ўрганиш ва хулосалар чиқариш;

-Аҳмонийлар даври шаҳарсозлик маданиятини археологик ва ёзма манбаларни қиёсий таққослаган ҳолда тадқиқ этиш.

Муаллифнинг 2006 йилда чоп этилган “Ўрта Осиенинг қадимги шаҳарлари тарихи” номли ўқув дастури ҳамда “Қадимги Ўрта Осие шаҳарлари тарихи” номли ўқув қўлланмаси мазкур дарсликка асос қилиб олинди.

## 1-мавзу. Археологик маълумотларнинг шаҳарлар тарихини ўрганишдаги аҳамияти

Ўзбекистоннинг қадимги тарихини тадқиқ этишдаги мураккаб муаммолардан бири – Ўзбекистон цивилизацияси ва давлатчилигининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари ҳисобланиб, бу жараёнда шаҳарлар шаклланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат цивилизация ва давлатчилик – урбанистик хусусиятларни ўзида акс эттирувчи қонуниятга эга эканлиги билан изоҳланади. Чунки, ҳар бир тарихий даврда айнан шаҳарлар давлат салоҳиятининг маъмурий, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказлари сифатида мавжуд бўлган. Шаҳарларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ва савдо-сотик, бошқарув тартиби ва ҳарбий гарнизонлар, ўз даврида етакчи бўлган динларга хос ибодатхоналар марказлашган ва фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам ўлкамиз тарихи ва маданиятини ёритувчи турли даврларга оид тарихий ва тарихий-географик манбаларда солномачилар Ўрта Осиё шаҳарларига қатта эътибор қаратганлари тасодифий ҳол эмас.

Айни вақтда шаҳарларнинг шаклланиши мураккаб ва узоқ давом этган жараёнлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Шаҳарлар давлатчилигининг дастлабки босқичларидаёқ пайдо бўлиб, унинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва инқирозий ҳолатларини ўзида акс эттиради. Аммо давлатлар тараққиётининг илк босқичлари ёзма манбаларда жуда кам акс этган бўлса, илк шаҳарлар ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Ёзма манбалар урбанизация масалаларининг бу жараён гуллаб-яшнаган даври ҳақида маълумот беради, ҳолос.

Археологик материаллар бу жараённи илк босқичларини ўрганиш, тушуниш ва англаб етиш учун муҳим бўлган ҳамда шаҳар тизимининг асосий жиҳатлари – бошқарув ҳокимиятининг белгиси бўлган ҳарбий-мудофаа ва маъмурий, ривожланаётган давлатчилик белгиси бўлган ижтимоий-иерархик хусусиятлар, турли ҳунармандчилик-ишлаб чиқариш белгилари, савдо-сотик ва маданият алмашувининг марказлари, диний эътиқодлар марказларининг белгилари каби кўплаб шаҳарлар тарихи ва ривожини акс эттирувчи томонлар асосан, археологик топилмаларда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам қадимги



шаҳар харобаларида бу жараёни ўрганишимиз учун муҳим бўлган ҳақиқий тарихнинг излари ва қолдиқлари сақланиб қолганлиги шубҳасиздир.

Айни вақтда археологик материаллар ўзига хос ва мураккабдир. Ёзма манбалардан фарқ қилган ҳолда, улар сақлаб қўйиш ёки авлодларга маълумот етказиш мақсадида махсус бунёд этилмай, қадимги тарихий жараёнларнинг маҳсули ҳисобланади. Тарихий информация археологик материалларда ашъвий буюмлар, нарсалар ёки маконлар шаклида муҳрланган бўлиб, улар ижтимоий ва сиёсий тарих учун тўғридан-тўғри тўлиқ факт бўла олмайди. Айнан шунинг учун ҳам уларни тарихий, ижтимоий ва маданий умумлаштириш даражасига кўтаришни фақат археологик материалларни таҳлилий услуб орқали тарихга йўналтириш ёки тарихга айланттириш йўли билангина амалга ошириш, изоҳлаш ва талқин этиш мумкин.

Объектлар типологияси тартибини ишлаб чиқиш, материаллар хусусиятларини таҳлил этиш ва улар асосида ҳақиқий мавжудлик орасидаги узвийликни очиб бериш – археологик материални қайта ишлаб тарихий манбага айланттиришга имконият яратади. Бу жараёни объектив ёритиш учун тартибли ёндашув ёки тадқиқ этилаётган мавзу бўйича тадқиқотчилар томонидан тўпланган археологик манбаларни мумкин қадар кўпроқ эгаллаш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади. Бунинг учун тадқиқотчида материалларни сифатий археологик шарҳлаш ёки изоҳлашни амалга оширишда тарих фанининг муҳим илмий-тадқиқот йўналиши сифатида маълум археологик тайёргарлик ва билимлар зарур бўлади. Бу билимлар машҳур мажмуалар билан биргаликда турли йилларда очилган объектларни аниқлаш, уларнинг тузилиш жиҳатлари, объектларнинг маълум ҳудудий ва тузилиш гуруҳлари типологиясини ўрганишни талаб этади. Бундай таҳлил эса кейинги босқичда археологик манбаларни социологик ва маданиятшунослик тадқиқотлар даражасида ёки тарихий манбалар даражасида тушуниш учун кенг имконият яратади.

Қадимги ишлаб чиқариш жараёнларини тарихан қайта тиклаш тадқиқотнинг муҳим қисми ҳисобланиб, уларни умумлаштириш шаҳар ва давлат иқтисодий тарихини тарихийлик нуқтан назаридан очиб бериш имкониятини яратади. Ижтимоий-

иктисодий хусусиятга эга бўлган ўзгаришлар шаҳар ҳаёти тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам турли даврларга оид шаҳарлар ўзига хос тузилиш шаклига эга бўлади. Шу билан биргаликда шаҳарлар сифатий жиҳатдан бошқа аҳоли жойлашуви пунктларидан фақат шаҳарга хос бўлган хусусиятлари билан ҳам фаркланадики, бу жиҳатларни аниқлаш ва ўрганиш тадқиқотчи-урбаноологларнинг ҳозирги пайтдаги муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Турли босқичларда шаҳарларнинг узоқ вақт мобайнида шаклланиши, таркибий қисмларининг ривожланиши, шаҳар тузилмасининг шаклланиб бўлган жиҳатларининг турлича ривожланиши ва турли географик зоналардаги аҳоли жойлашув пунктларидаги шаҳарга хос бўлган жиҳатларни аниқлаш жуда мураккабдир. Чунки, айрим гуруҳ шаҳарлар маъмурий марказлар сифатида ривожланса, айрим гуруҳ шаҳарларда ҳарбий-мудофаа, маданий ёки ишлаб чиқариш вазифалари устунлик қилади.

Шунинг учун ҳам дастлабки шаҳарларнинг таркибий қисмларини тадқиқ этиш - археологик материалларнинг жуда кўплиги нуқтан назаридан кўп кирралидир. Археологиядаги таркибийлик фақатгина моддий маданият объектларини прагматик ўрганиш бўлибгина қолмай, балки умуман жамиятнинг ижтимоий ривожланиши тарихи, фан, маданият, эътиқодлар ва санъат, этногенез ва демографик жараёнлар, давлатчиликнинг шаклланиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиши тарихи ҳамдир. Археологик манбаларнинг ушбу жиҳатларини ўрганиш учун махсус илмий конференциялар ва назарий тадқиқотлар ўтказилган. Бошқа муаммолар қатори уларда жамият фаолиятининг муҳим йўналишлари марказлашган ва жамият ривожланиш даражасининг ўзига хос кўрсаткичи бўлган шаҳар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Археологлар археологик манбалар орқали шаҳарни кўп вазифали ижтимоий алоқаларнинг мураккаб тартиби сифатида тадқиқ этадилар. Таъкидлаш жоизки, шаҳарларнинг ривожланиши жараёнида улар бажараётган кўпгина вазифаларнинг роли ўзгаради, айримлари йўқолиб боради, айримлари эса мукаммалаша бориб нисбатан юқори босқич даражасига кўтарилади. Аммо асосий вазифалар – аҳолининг бир ерга зич жойлашуви, савдо-сотик ва қишлоқ

хўжалиги бўлмаган фаолият (хунармандчилик, ҳарбий, маъмурий ва маданий марказ) барча даврларда сақланиб қолади.

Буларнинг барчасига аниқлик киритиш археологик манбаларни таҳлил этиш, қайта ишлаш ва тарихийликка йўналтиришни талаб этади. Маълумотлар таҳлиliga назарий ёндашув ва археологик материалларни қайта ишлаб маданиятшунослик ва социологик даражада тарихий манбага айлантириш асосий таянч билим бўлиб, В. М. Массон томонидан шаҳарлар тарихини ўрганишда қўлланилган. Тадқиқотчи археологик манбаларни талқин қилишнинг иккита: маданиятшунослик ва социологик даражасини ажратади. Маълумки, археологик материаллар мавжуд бўлган буюм-маҳсулот шаклидаги маданиятни аниқ танлашни ўзида акс эттиради. Маълум минтақадаги турли манбаларни маданиятшунослик жиҳатидан талқин этиш биз учун муҳим бўлиб, улар маданий мажмуалардаги ажралиб турадиган сара жиҳатлари, ҳокимият рамзи ва илк цивилизацияларни аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат урбанизациялашган маданият белгиларидан биридир.

Яна кўпгина урбанистик белгиларни социологик талқин ўзида акс эттириб, у ривожланиш босқичидаги ишлаб чиқариш жараёнини, меъморчилик турларини, манзилгоҳга оид тузилмаларни очиб берувчи археологик материалларда ўз ифодасини топади. Бу ерда материаллар маълум тарихий хусусиятга эга бўлган шаҳармонанд – илк шаҳар-ривожланган шаҳар маконга оид тизими шаклланидиган урбанистик тизимни, унинг шакллари ва жиҳатларини очиб беради. Материалларнинг тартиби ва таҳлили мураккаблашган ижтимоий тузумдаги тарихий жараёнларни, жумладан, илк шаҳар белгилари, шаҳармонанд манзилгоҳлар, илк шаҳарлар, ривожланган шаҳар марказлари тизими тарихини ишлаб чиқиши учун кенг имкониятлар яратади.

Таянч археологик маълумотга эга бўлган ушбу дарслик муаллифи бой археологик материаллар таҳлили асосида қадимги Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг давлатчилик жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳармонанд, илк шаҳар ва шаҳар босқичларини тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Археолог олимларимиз томонидан шаҳарлар ҳақида жамлама хусусиятга эга бўлган маълумотлар берилган бўлса-да, уларда бутун минтақа миқёсида археологик материалларни тарихий йўналиш жараёни-

га махсус жорий этишга ҳаракат қилинмаган. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг қадимги тарихини тадқиқ этишдаги диссертациявий тадқиқотларда яққол кўзга ташланади ва диссертант ушбу бўшлиқни имкон қадар тўлдиришга ҳаракат қилади.

Ундан ташқари, бугунги кунда республикамиз тарих фани олдидаги муҳим вазифалардан бири – жамият тарихини объектив ўрганиш ва халқимиз тарихий хотирасини қайта тиклаш, давлатчилик ва шаҳарлар пайдо бўлишининг асослари, босқичлари ва шаклларини ўрганиш, бу жараёнлар ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий томонларини тадқиқ этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон қадимги тарихини ўрганиш нақадар муҳим эканлиги Президент И.А.Каримовнинг масалага бағишланган асаридида алоҳида таҳлилини топиб, ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги бой тарихий-маданий жараёнларни тадқиқ этиш долзарб муаммо тарзида махсус таъкидланади. Фикримизча, археологик маълумотлардан тарихнинг қадимги давларини ёритишда фойдаланиш ва бу жараёнда давлатчилик ҳамда қадимги шаҳарлар тарихига алоҳида эътибор қаратиш айнан юртбошимиз таъкидлаган долзарб муаммолар сарасига қиради.

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, жамият қадимги тарихини ҳар томонлама таҳлил этиш шунини кўрсатади-ки, давлатчилик ва дастлабки шаҳарлар сиёсий институтлар тартибининг илк босқичларида пайдо бўлади ҳамда бу жараён иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг тубдан сифатий янги босқичи билан изоҳланади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳарлар ва давлатчилик цивилизация ривожининг асосий сабаби бўлса, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича эса, бу жараён цивилизациянинг асосий босқичларидан биридир. Ҳар қандай фикрларга қарамасдан, барча тадқиқотчилар давлатчилик ва шаҳарлар цивилизациялашган жамиятнинг асосий белгиси эканлигини яқдиллик билан эътироф этадилар. Дикқатга молик томони шундаки, жамият тараққиётига цивилизация ёндашув республикамиз олимлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, яқин пайтгача ўтмиш тарихни ўрганишда уни бетиним синфий курашлар, ижтимоий исёнлар ва можаролар сифатида талқин этиш методологияси устунлик қилиб

келди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли туртки берган кўпгина тарихий-маданий жараёнлар рад этилиб, цивилизацион ёндашув унутиб қўйилди. Фикримизча, тарихга (айниқса, унинг илк босқичларига) бўлган цивилизацион ёндашув – синфий ёндашувни ва маълум халқ менталитетини нисбатан юкори кўришни рад этади. Чунки, давлатчилик ва шаҳарлар тарихини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш жараёнида цивилизация кўп ҳолларда маҳаллий хусусиятга эга бўлса-да, моҳиятан умуминсоний жараён эканлиги исботланди.

Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, тарихга фақат цивилизацияни қиёсий ёки солиштирма ўрганиш асосида ёндашув доим ҳам ўзини оқламайди. Унинг қизиқарли ва истикболи борлигига қарамасдан, умуминсоний кадриятлардаги аниқ аҳамияти ва «цивилизацион ёндашув»да инсоният жамиятини ўрганишдаги қарашларнинг торлиги ва бир ёқламалигининг устунлиги сезилади. Ривожланиш жараёнидаги айрим цивилизациялар ўзининг юкори чўққисига кўтарилса, айримлари ривожланишнинг қуйи поғонасида бўлади.

Бизнинг фикримизча, цивилизация ҳаракатининг кўп қиррали йўналиши билан биргаликда жамият тараққиётини ўрганишда кишлок хўжалиги ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг нисбатан тез тараққий этишига туртки бўлган иқтисодий тузилишнинг таҳлили, унинг йўналиши ва ривожланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, муаммони чуқур таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатади-ки, давлатчилик ва шаҳарлар тарихи – бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўп қиррали ва мураккаб масала бўлиб, алоҳида тадқиқотчилар ҳамда бутун илмий жамоалар изланишларини талаб этадиган ўта муҳим илмий муаммолардан ҳисобланади.

Демак, археология фани ўрганадиган моддий манбалар турли меҳнат қуроллари, ҳарбий яроғлар, заргарлик буюмлари, турли хом ашёлардан ишланган идишлар, шунингдек, меъморчилик ёдгорликлари – кўхна шаҳар ва кишлок харобалари, турар-жой бинолари, устахоналар, саройлар, ибодатхоналар, истехкомлар, мудофаа иншоотлари ва шу кабилардан иборатдир. Бу манбаларга қараб ўтмиш аждодларимизнинг ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш жараёни, турмуш тарзи ва моддий

маданияти ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин ва энг муҳими, минтақамиз ҳудудларидаги қадимги аҳолининг бунёдкорлик фаолияти ҳамда шаҳарлар ва давлатчилик тарихининг энг қадимги давлари бўйича муҳим маълумотлар олиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам дарсликни яратишда археологик маълумотлардан кенг фойдаландик.

**Давлатчилик ва урбанизация.** Қадимги Шарқ ҳудудлари ва унинг таркибий қисми бўлган Ўрта Осиё цивилизацияси давлатчилиги масалаларини ўрганган кўпгина тадқиқотчилар ҳудосаларига кўра, бу жараён ўзининг бошланган даврдан бошлаб кейинги ривожланиш босқичларигача айнан урбанистик ҳуусиятга эга бўлган эди.

Маълумки, урбанизация жамият тарикқийетининг энг мураккаб жараёниларидан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузумидан нисбатан юқори ривожланган ижтимоий тузумга ўтиш даврида пайдо бўлган урбанизация – жадал ўсиб бораётган тараққийетни ўзида акс эттириш билан бирга иқтисодий ривожланишни таъминловчи ишлаб чиқариш тармоқлари – қишлоқ хўжалигидан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши, маҳсулот алмашинуви, ихтисослашган савдо-сотиқнинг ўсиб бориши, ижтимоий тузилмалар ва бошқарув органларининг шаклланиши, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва кўриқлаш, жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни ифодалайди.

Урбанизация – жамиятдаги маданий ва ижтимоий вазибаларнинг ривожланиш жараёни ҳамдир. Ушбу глобал масалалар билан узоқ йиллар шуғулланган таниқли шарқшунос олим Б.А.Литвинскийнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё урбанистик цивилизация тартибига кирган бўлиб, бу тартиб Евросийнинг жанубий ва ғарбий қисмларини қамраб олган эди. Бу урбанистик цивилизация атрофида эса дашт, ўрмон-дашт, арктик шаклдаги цивилизациялар мавжуд эди.

Қадимги дашт, ўрмон-дашт ва арктик ҳудудларнинг цивилизация даражаси ва давлатчилиги ҳақидаги масалалар узоқ йиллар олимларнинг илмий баҳсларига сабаб бўлиб, бу баҳслар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Айрим тадқиқотчилар, масалан, А.М.Тайлор ва Т.В.Вильрондлар тўғридан-тўғри цивилизация ва уни шакллантирувчи давлатчилик факат шаҳарларда ривожланганлиги ҳақидаги фикрни билдирдилар.

Бир қатор олимлар цивилизация ривожланиш манзарасини нисбатан мураккаб деб ҳисоблайдилар. Жумладан, юқорида номи келтирилган Б.А. Литвинскийнинг фикрича, жамият таракқиётини синчиклаб ўрганиш — дехқончилик ва чорвадор жамиятларнинг мураккаб тарихи аралашиб кетган бир қатор археологик маданиятларга бўлинганлигини кўрсатади: Шунингдек, чорвадор гуруҳларда ҳам айрим ўтроқ ва урбанистик белгилар пайдо бўлади.

Цивилизациянинг чорвадор қабилаларга хос томонларига ҳозирги кунда ҳам айниқса катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, А.И.Оразбаеванинг Евросиё даштлари кўчманчиларининг ижтимоий-маданий мажмуалари ва кўчманчи халқлар (номадлар) давлатчилиги масалаларига бағишланган ишларини эслатиб ўтиш жоизжир.

Фикримизча, бу мавзулар ниҳоятда долзарб бўлиб, цивилизация тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши сифатида махсус тадқиқ этилиши лозимдир.

Бизнинг тадқиқотларимиз Ўрта Осиё ўтроқ дехқончилик воҳаларидаги урбанистик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, таъкидлаш лозимки, кўчманчилар цивилизацияси ва давлатчилигини эътироф этувчи ёки унга қарши чиқувчи барча тадқиқотчилар қадимги Шарқнинг турли ҳудудларидаги қадимги давлатчилик цивилизациясида бўлгани каби Ўрта Осиё воҳаларида давлатчилик урбанистик хусусиятга эга бўлганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Урбанистик жараёнлар ривожланишининг асосий субъекти махсус маконга оид тузилиш — шаҳар ва унинг атрофидаги у билан боғлиқ бўлган ҳамда шаҳарларга айланиб боровчи манзилгоҳлар ҳисобланади.

Социологлар шаҳарни нисбатан бир марказ атрофида мужассамлашган ва умумжамоа меҳнат тақсимооти жараёнини ўзида акс эттирувчи, давлатчилик ва цивилизация тизимининг турли босқичларида янги вазифаларни бажарувчи ҳудуд сифатида изоҳлайдилар. Бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган, яъни ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, меҳнатни қайта тақсимлаш, маъмурий, ҳарбий-қўриқлаш, диний-маданий вазифаларни бажарувчи, фан, маданият ва иқтисодиёт ривожланишини жадаллаштирувчи ёки бир сўз билан жамият цивилизация тизимини шакллантирувчи шахслар фаолият кўрсатади.

Шаҳарларда атроф қишлоқ манзилгоҳларига нисбатан аҳоли кўпроқ ва зичроқ жойлашади. Унда жамиятнинг кўпгина функциялари – ерга бевосита ишлов бермайдиган, ҳунармандчилик, маҳсулот тақсимоти ва алмашинуви, пул муомаласи, маҳобатли қурилишлар, диний-маданий ва маъмурий мажмуалар кабилар шаклланади.

Шу нуктаи назардан ҳам шаҳарлар жамият тараққиётининг ўз давридаги сифатий янги кўриниши эди. Архаик давр ва айнан цивилизация бўсағасида пайдо бўлган шаҳарлар – нафақат цивилизациянинг таркибий қисмларидан бири балки, давлат билан биргаликда унинг асосий белгиларидан бири бўлди. Шунинг учун ҳам бундан салкам 60 йил илгари қадимги цивилизациянинг машҳур тадқиқотчиларидан бири Вир Гордон Чайлд жамият тарихида шаҳарларнинг пайдо бўлишини «революцион ҳолат» деб атаган эди ҳамда ўзининг махсус монографиясини «шаҳар революцияси» деб номлади.

Шаҳар – кўп вазифали мураккаб тузилма бўлиб, қишлоқ манзилгоҳларидан ишлаб чиқариш ва аҳолининг бир ерга зич жойлашуви, жамиятдаги келиб чиқиши ҳар хил бўлган эркин ижтимоий гуруҳлар, фан ва маданият соҳасида ўзаро алмашинув билан боғлиқ алоқалар, кўпвазифалик ва маданиятларнинг ўзаро таъсири жиҳатидан ажралиб туради.

Шаҳарларнинг кўп вазифалик ҳолати – урбанизация масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга шаҳарни аҳоли жойлашув пункти таркиби сифатида ажратиш жараёнида қийинчилик туғдиради. Шаҳар деганда нимани тушуниш лозим деган савол билан махсус шуғулланган америкалик тадқиқотчи Р.Сомпльсон шаҳарларни аниқлашдаги 15 та белгини тақлиф этган эди. Уларнинг асосийлари қуйидагилар: шаҳар қишлоққа нисбатан кўп аҳолили манзилгоҳ; шаҳар – аҳоли зич жойлашуви билан фаркланади; шаҳарнинг асосий вазифаси – маҳсулот тарқатиш; шаҳар – алоқа йўллари маркази; шаҳар – истеъмол маркази ва бошқалар. Шунингдек, тадқиқотчи муҳим белги сифатида шаҳарни саноат маҳсулотлари маркази ҳисоблаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан банд бўлган қишлоққа қарама-қарши қўяди.

Албатта, бу ўта муҳим белги бўлсада, фикримизча, ягона ҳам эмас. Шаҳар муаммоси нисбатан мураккаб ва кўпқирралидир. Шунинг учун ҳам нафақат тарихчи-археологлар, балки иктисодчилар, географлар, социологлар шаҳарларнинг ҳудудий-



урбанистик тузилиши, шаҳар тартибида табиий-географик омилларнинг аҳамияти, урбанизациянинг кенг ҳудудларга тарқалиши, жамиятнинг иқтисодий тараққиётида шаҳарларнинг ўрни, шаҳарлар ривожланишининг ижтимоий жиҳатлари кабиларни тадқиқ этганлар. Шаҳарлар қурилиши масалалари, турли даврларга оид шаҳарларнинг режавий тузилишига хос жиҳатлар ва қонуниятлари, меъморий тузилиш йўналишларнинг ўзига хос томонларини эса меъморлар тадқиқ этадилар.

Фикримизча, тарих фақида урбанистик жараёнларни тадқиқ этишнинг нисбатан кенг қамровли бўлиши учун давлатчилик тараққиёти босқичларини ҳар томонлама тадқиқ этаётган пайғимизда, унинг ажралмас қисми сифатида шаҳарларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари фақат бутун жамият ривожини билан боғлиқ бўлган урбанистик жараёнлар тартибида аниқланади. Урбанистик муносабатлар ривожланиши жараёнида айрим вазифалар ўзгаради, айримлари йўқолади, айримлари мураккаблашиб нисбатан юқори даражага кўтарилади. Шаҳарлар шаклланиш шароитларини, уларнинг аниқ тузилишини, турли географик минтақалардаги шаҳарлар ривожланишининг умумий ва ўзига хос томонларини очиб берадиган манбаларга муроҷат этиш улкан аҳамиятга эга. Афсуски, Ўрта Осиё дастлабки шаҳарлари пайдо бўлиши ва уларнинг дастлабки ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар сақланмаган. Бу йўналишда асосан археологик маълумотларга мурожаат этганимизнинг яна бир сабаби ҳам ана шундадир.

### **Таянч сўзлар**

Урбанизация, урбанолог, цивилизация, дастлабки босқич, цивилизациянинг асосий белгилари, археологик манбалар, моддий маданият ва унинг мезонлари, маҳобатли меъморчилик, шаҳарлар ва ёзув, давлатчилик ва урбанизация.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Археологик маълумотларни тарихга йўналтириш ёки тарихга айлантириш ҳақида нималарни биласиз?
2. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва моддий маданият шаҳар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?
3. Давлатчилик ва урбанизация ўртасидаги диалектик боғлиқликни изоҳлаб беринг.

## 2-мавзу. «Шахар» тарихий тушунчасига оид ёндашувлар ва концепциялар таҳлили натижалари

Тарихий ходисалар ва воқеаларнинг тарихий аниқлигида, тарихий-маданий тараққиёт босқичларида шундай жиҳатлар борки уларни бир-бири билан мантқан таққослаш, қиёсий солиштириш асосида ўрганиш, кўйилган масалага кўлгина ойдинликлар киритиши тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Чунончи, Ўрта Осиё, умуман дунё тарихида рўй берган урбанистик (шаҳарсозлик) жараёнлар хусусида турли даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш ва қиёслаш бу жараёни чуқур ва ҳар томонлама таърифлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам илк шаҳарлар тарихини ҳақиқий манбалар – археологик ва ёзма маълумотлар асосида таҳлил этиш, – жамиятда рўй берган қадимги тарихий-маданий жараёнларни англаб етишда беқиёс аҳамият касб этади.

Кўп ҳолларда "урбанизация жараёни" дейилганда турли даврлардаги тарихий-маданий босқичларда ва шарт-шароитларда турли вазибаларни бажарган шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнлари тушунилади.

Жамиятда рўй берган урбанистик жараёнлар ва тараққиёт даражасининг асосий омиллари хусусида тадқиқот ишлари олиб борган кўпчилик тадқиқотчилар «илк шаҳар» ёки «шаҳар» тушунчасини бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда турлича талқин қилишларига қарамай, кўп ҳолларда улар тадқиқотлари хулосаларининг бир-бирига анча яқинлигини кузатишимиз мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчилик тадқиқотчилар (В.Массон, Б. Литвинский, В.Сарианиди, И.Дьяконов, А.Аскарлов, Т.Ширинов, Б. Удемуродов, И. Масимов ва бошқ.) Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг асослари энг қадимги даврларга бориб тақалишини таъкидлаган ҳолда, унинг бошланишини энеолит-бронза даври билан белгилайдилар ва ўз хулосаларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Аввало шунга эътибор бериш лозимки, тарихий, илмий ва социологик адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» («шаҳарлашиш», «шаҳарлашув», «шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» ёки «шаҳарсозлик маданияти») тушунчасининг моҳият ва мазмунини тадқиқотчилар турлича талқин этадилар

хамда бу борада улар орасида аниқ бир фикрга келишиб, ягона концепция яратилмаган. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган мутахассисларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

– хорижлик тадқиқотчилар. Улар ўз илмий ишларида урбанизациянинг жамият тараккиётида етакчи ўринда туришини таъкидлаган ҳолда, қишлоқлар ва шаҳар атрофларининг ҳам шаҳар қулайликларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этадилар (Сьоберг, Триггер, Кристаллер, Оппенхейм, Вебер ва бошқ.);

– собиқ иттифок давридаги тадқиқотчилар. Улар ушбу йўналишдаги тадқиқотларга турли ҳудудларда шаҳарлар сонининг ортиб бориши ҳамда шаҳар аҳолисининг кўпайиб боришини асосий мезон қилиб олгандилар (В. Массон, Б. Литвинский, М. Дьяконов, Э. Ртвеладзе, А. Сағдуллаев ва бошқ.);

– ушбу гуруҳдаги тоифага кирувчи тадқиқотчилар ўз илмий ишларига миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши ва орқага қайтиши) қадимги йўллар ва халқаро алоқалар жараёнларини асосий мезон қилиб олишган. (В.Сарианиди, А.Асқаров, Т.Ширинов ва бошқ.).

Ибтидоий турмушдан жамият ривожланишининг нисбатан юқори поғонасига ўтишнинг умумий манзарасини тадқиқ этиш ҳозирги кунда услубий ёндашувни янада чуқурлаштириш ҳамда ушбу тадқиқотларда аниқ йўналиш ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарларни урбанизация жараёнининг асосий мезони сифатида талқин этиш масаласи ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Методологик жиҳатдан шаҳарни фақат янги шаклдаги жамият тоифасига кирувчи ҳодиса эмас балки, муҳим ва асосий омил деб ҳисоблаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Фикримизча, бу жиҳатдан шаҳарларнинг пайдо бўлишини тузумдаги янги ижтимоий белгиларнинг юзага келиши ва шаклланаётган тузум алоқалари ҳамда муносабатлари билан емирилаётган ибтидоий жамият ўртасидаги қарама қаршилиқни бартараф этувчи жараён сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки шаҳарлар марказларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш шаҳарлар тарихини ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил жараёнида

фойдаланиладиган тушунча нуктаи назаридан кадимги шаҳарлар-аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуруллари ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий ва мафкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос хунармандчилик ва савдо-сотиқ вазифаларини бажарувчи йирик пунктлар сифатида изоҳланади.

Турли тармоқлар марказлашган ҳудуд сифатида шаҳарларнинг аҳамияти аввало, зич қурилган иншоотлар ва маҳобатли меъморчиликнинг ривожланиши билан изоҳланадиган шаклий хусусиятларда ўз аксини топади. Маълумки, ибтидоий жамоа муносабатлари емирилиши билан меъморчиликда, одатда, шаҳар марказларида жойлашадиган нуфузли иншоотлар – қалъа, сарой ва ибодатхоналар мажмуаларининг ўзига хос қурилиш услублари ишлаб чиқилади. Аҳоли жойлашувининг миқдорий белгилари турли хўжаликлардаги, биринчи навбатда, деҳқончилик тизимидаги аҳоли зичлиги билан мос тушмоғи лозим. Маълум ҳудудни ёки манзилгоҳни (кишлоқни) шаҳар сифатида изоҳлашда ташқи миқдорий кўрсаткичлар билан бирга ички сифатий ва тузилишга оид ўзгаришлар ҳам ниҳоятда муҳимдир.

И.Шифманнинг фикрича, шаҳар эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли сифатида ўзининг ички ва ташқи ишларида мустақил ҳокимиятни у ёки бу даражада амалга оширадиган фуқаролар жамоасини ўзида акс эттиради. Ижтимоий уюшма сифатида шаҳар ҳокимият органларининг маълум тартибига эга бўлади. Шаҳар уюшмаси учун мустақамланган марказ ва марказдан четда бўлиб, унга бўйсунувчи фуқароларнинг турли иншоотлардан иборат турар жойлари мавжудлиги ҳам хосдир. Шаҳар кишлоқ жамоаларидан пайдо бўлади ва ривожланади. Фикримизча, шаҳарларнинг кишлоқ жамоалардан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган хусусиятлардан ташқари давлатга хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлантиради.

Ўз хусусиятига кўра «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши мумкин. Шаҳарлар учун фақат бир нарса – улар бир-бирига туташ (нисбатан бўлса ҳам) манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда, «шаҳар» дейилганда бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги – шаҳар катта манзилгоҳ эканлиги ҳам назарда тутилади. Бизнингча, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрта Осиё, умуман дунё

тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этганимизда ушбу фикрнинг тўғрилиги аён бўлади.

Социологик нуқтаи назардан «шаҳар» – бир-бирига туташ уйлардан иборат аҳоли зич жойлашуви турар жойлари сифатида изоҳланади. Бундай таърифдан сўнг катта қишлоқларни «шаҳарлар» деб ҳисоблаш билан кифояланиш ҳам мумкин. Фикримизча, ушбу таърифнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлиги ва объективлиги умумий тарихий-маданий шарт-шароитларга (пайдо бўлиш шарт-шароитлари, алоқалари, жойлашуви ва бошқ.) боғлиқдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан шаҳарни аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги эмас, балки, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланувчи ҳудуд сифатида таърифлаш мумкин. Бизнинг фикримизча, шунга ўхшаш барча ҳудудларни ҳам «шаҳарлар» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий адабиётларда одатда, вилоят ва туманларнинг маданий, хўжалик ва маъмурий марказлари бўлган йирик манзилгоҳлар «шаҳарлар» сифатида талқин этилиб, улар ҳақиқатдан ҳам, том маънодаги хунармандчилик ва савдо-сотик билан узвий боғлиқ бўлади.

Археологик таҳлил пайтида ишлатиладиган тушуنча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли марказлашиб яшайдиган йирик ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва маданий марказлар, мунтазам савдо-сотик ва хунармандчилик вазифаларини бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади. Қадимги манзилгоҳларнинг паҳса уйлардан иборат зич қурилган иншоотларини ҳисобга олган тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий чегара ўлчамлари илк шаҳар марказлари шаклланиб ривожланган Месопотамия ва қадимги Бактрия учун 6-7 гектардан иборатдир. Тадқиқотчилар айнан шунга ўхшаш, яъни майдони 6-7 гектардан ортиқ барча манзилгоҳларни «шаҳарлар» деб эътироф этадилар. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳарларнинг минимал майдонининг шартли чегараси 3-6 гектар бўлиши мумкин деган фикр ҳам бор. Бу ўринда шаҳарлар учун хос бўлган бошқа кўпгина хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Фикримизча, ички, сифатий ва режавий хусусиятлар ҳам ниҳоятда муҳимки, улар ташқи ва миқдорий ўзгаришлар билан бир қаторда

айрим манзилгоҳлар гуруҳини «шаҳарлар» деб таърифлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Бир ижтимоий тузумдан иккинчи бир жамиятга ўтиш даврида шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳам муаммоли масала ҳисобланади. Бу даврда «шаҳар тузилмалари», илк деҳқончилик кабилаларининг илгари мавжуд бўлган тузилмалари асосида ўсиб боради. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараённи «шаҳарсозлик инқилоби» дейиш мумкин. «Шаҳарсозлик инқилоби» деганда, илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ва меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоти (бронза даврида хунармандчиликнинг бошқа хўжалик турларидан алоҳида ихтисослик сифатида ажралиб чиқиши) билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда қадимги цивилизациялар иқтисодий ва маданий шаклланишига олиб келадиган аниқ тарихий жараённи тушуниш лозимдир.

«Шаҳар» тушунчасини турли тадқиқотлар асосида таҳлил этиб талқин қилар эканмиз, шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги айрим тадқиқотчилар қарашларини қиёслаймиз. И.М. Дьяконов «шаҳарни» атроф манзилгоҳлар унга туташ марказ, шунингдек, ихтисослашган хунармандчилик, маҳсулот ва бошқа турдаги алмашувлар ҳамда заҳиралари маркази деб ҳисоблайди. В.М. Массон эса, анчагина умумий ва кўпчиликка маълум ушбу изоҳга «йирик марказ» тушунчасини ҳам қўшиш лозим<sup>4</sup> деган фикрни билдиради. В.И. Ионесовнинг фикрича, «илк шаҳар» цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишидаги ижтимоий-маданий жараёнлар аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали такомиллашиб, ривожланиб боради.

Жуда кўплаб археологик материаллар таҳлили асосида хулоса чиқарган Т.Шириновнинг фикрича, бронза даври Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари қишлоқ хўжалик атроф ҳудудлар маркази, воҳаларнинг хунармандчилик, маъмурий ва диний маркази эди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида инглиз олими Г.Чайлд бошқа белгилардан ташқари аҳолиси 5000 ва ундан ортиқ бўлган аҳоли яшаш ҳудудларини «шаҳар» деб ҳисоблаш мумкинлиги

ҳақида тақлиф киритган эди. Бу ҳолат, мисол учун дехқончилик аҳолисининг зичлиги юқори бўлган Месопотамия учун хос бўлиши мумкин. Аммо бошқа ҳудудлардаги аҳолиси анча кам бўлган кичик шаҳарларни маълум бир тонфаларга ёки гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Тузилиш-вазифавий таҳлил нуктаи назаридан қадимги шаҳарлар ягона бир бутун тизим сифатида изоҳланиши мумкинки, бунда асосий белгилар (режа, ўлчам, ишлаб чиқариш марказлари, меъморий иншоотлар, шаҳар маданияти ва бошқалар) бир-бирига муносабат нуктаи назаридан ташқи объектларни эмас, балки шу муносабатлар туфайли бутунлай янги сифат оладиган мазкур тизимнинг ўзаро боғлиқ қисмини ўзида акс эттиради.

Шаҳар тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишдаги илмий-услубий ёндашувлар ҳақида гап кетар экан, И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсонлар мил. авв. III минг йиллик қадимги Шумер мисолида шаҳар-давлатлар шакллари аниқловчи айрим белгиларини ажратадилар. Булар - унчалик катта бўлмаган ҳудуд, бир ҳудудий жамоа ёки бир-бири билан узвий алоқада бўлган бир нечта жамоа чегарасида жойлашув, табиий чегаралар: тоғлар, атроф воҳалар, даштлар, суғориш каналлари ўраб турган кенгликлар, бош худо ибодатхонаси ва унинг атрофида маъмурий хўжалик ҳамда хунармандлар устахоналари жойлашган марказлар, бу ҳудудни ўраб турган деворлардир. Фикримизча, ушбу концепция, «илк шаҳар» тушунчасининг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассамлантиради ва бу жараёни изоҳлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, Дьяконов – Якобсон концепциясига кўра, қадимги Шарк илк шаҳарлари асосан маълум бир бутун воҳаларнинг иктисодий-сиёсий марказлари сифатида, бутун воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини марказлаштириш ва қайта тақсимлаш вазифасини бажарган. Яъни бу функция илк давлатчилик тизими кучи билан амалга оширилиб унинг маркази илк шаҳар тузилишида мужассамлашган: маъмурий ҳокимият – саройда, диний-мафкуравий ҳокимият эса эҳромларда, яъни Шарқда илк шаҳарларнинг асосий вазифаси шаклланаётган илк давлатларнинг иктисодий ҳаётини бошқариб уни тараққиёт сари йўналтирган.

Бу концепция ҳақиқатга анча яқин бўлиб кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Фикримизча, уни кўп ҳолларда мил.авв. III минг йилликдаёқ том маънодаги давлатчилик шакллана бошлаган Миср ва Месопотамияга нисбатан қўллаш мумкин. Ўрта Осиёнинг жанубидаги Олтиндепа, Намозгоҳ, Сополли, Жаркўтон қабилар маълум давлатларнинг марказлари эмас эди. Чунки, бу даврда ҳали давлатлар пайдо бўлмаган эди. Бошқа ҳудудларда эса бу жараён нисбатан кечроқ бошланган.

В.В.Бартольд томонидан ишлаб чиқилган шаҳар ҳақидаги концепция Ўрта Осиё шаҳарсозлиги масалаларини тадқиқ этиш жараёнида нисбатан кўпроқ ёйилган бўлиб, тадқиқотчи бу концепциясида IX-XII асрлар шаҳарлари учун уч қисмли тузилиш (арк, шахристон, робот) хусусиятли деб ҳисоблайди. Аммо шунга эътибор бериш лозимки, ушбу хусусият фақат ўрта асрлар шаҳарларига хос бўлиб, янада қадимгироқ давр шаҳарлари тузилиши кўп ҳолларда бундан мустасно.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, илк шаҳарлар ривожланишида ягона режа йўқлиги ва уч қисмли шаҳар тузилиши Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари учун хос эмаслиги тасдиқланмоқда. Фикримизча, ушбу ҳолат, табиий-географик шарт-шароитлар ва албатта, ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омиллар билан изоҳланади.

Т.Ш.Шириновнинг фикрича, «шаҳар» тушунчасини изоҳлаётган пайтимизда изоҳланаётган шаҳар қайси даврга оид эканлиги ниҳоятда муҳимдир. Чунки, дастлабки шаҳарлар, антик давр ёки ўрта асрлар шаҳарлари тузилиши ва бажарган вазифаси нуктаи назаридан бир хил бўлмаслиги мумкин. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги манзилгоҳларни ўрганишда гектарларда акс этадиган ҳудудий (ёки ўлчовга оид) ёндашув «шаҳар» тушунчасини ифодалаш учун унчалик ҳам ишончли эмас. Аммо бу ёндашувни бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди. Бу ҳолатни айниқса, Ўрта Шарқ сугорма деҳқончилик маданияти манзилгоҳларини ўрганиш жараёнида кузагиш мумкин. Ўлчамлари нуктаи назаридан «шаҳар» тушунчаси изоҳланаётган пайтда илк шаҳарнинг шартли чегара майдони 3-6 гектар бўлиши мумкин. Шундай ўлчамга эга бўлган манзилгоҳларнинг ички



тузилишини ҳисобга олган ҳолда уларни шаҳарлар сафига киритиш мумкин.

Тадқиқотчилар «шаҳар» тушунчасини уларнинг вазифавий ҳолати нуктаи назаридан ҳам ифодалайдилар. Бу борада тадқиқотчиларнинг бир-бирини инкор этувчи турли фикрлари мавжуд. Айрим хорижлик олимлар манзилгоҳларнинг босқичма-босқич ривожланишида сиёсий жihatдан устун мавқега эга бўлган ҳар қандай манзилгоҳни шаҳар деб эътироф этадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланмайдиган манзилгоҳларнинг барчасини шаҳарлар каторига киритишни таклиф этадилар. Яна бир гуруҳ олимлар эса фақат сиёсий марказ вазифасини бажарган манзилгоҳларни шаҳарлар деб ҳисоблайдилар.

Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари даставвал, хўжалик ҳамда маълум деҳқончилик воҳаларининг марказлари бўлиб, улардаги аҳоли географик шароитлардан келиб чиқиб, кўп ҳолларда атроф ҳудудларда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида очилган кўп сонли моддий маданият буюмлари шундан далолат берадики, бронза даври Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари атроф кишлок хўжалик марказлари, маъмурий ва диний марказлар ҳисобланган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, илк шаҳарлар вазифавий ҳолатида савдо-сотик, ҳарбий, сиёсий ва маданий жараёнлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Ўрта Осиёда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари ҳали кўплаб тадқиқотлар талаб этишига қарамай, тадқиқотчиларнинг турли фикрларини умумлаштириб таҳлил этганимизда шу нарса аниқ бўладики, дастлабки, энг қадимги шаҳарларга ҳозирги «шаҳар» тушунчаси нуктаи назаридан ёндошиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, пайдо бўлиш ва шаклланиш нуктаи назаридан, ҳамда асосий шаҳарсозлик белгилари ва бажарган вазифаси нуктаи назаридан илк шаҳарлар ҳозирги, хаттоки, ўрта асрлар шаҳарларидан ҳам кескин фаркланади.

Олиб борилган тадқиқотлар шундай хулоса чиқариш имконини берадики, дастлабки шаҳарсозлик маданияти дунёнинг турли ҳудудларида турли даврларда шаклланиб ривожланганлиги каби, шаҳарлар пайдо бўлган илк даврида ёки ривожланган даврида турли вазифаларни бажарган ва турли

босқичларда таракқий этиш жараёнида турли даврларни бошдан кечирган бўлиши мумкин.

Шаҳарлар тарихини таҳлил этиш жараёнида марказий пойтахт шаҳарларидан ташқари, шаҳар-давлатлар, аграр (деҳқончилик) шаҳарлар, савдо шаҳарлари (айрим худудларда порт шаҳарлар) ва шу кабилар бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар бир тарихий даврда ўша давр тарихий-маданий жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари ва таракқиётидан келиб чиқиб ўзига хос «шаҳар» тушунчалари бўлади. Мисол учун, «илк шаҳарлар», «антик давр шаҳарлари», «ўрта аср шаҳарлари» ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам урбанизация жараёнининг турли даврлардаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб шаҳарларни энг кадимги, кадимги, ўрта асрлар ва замонавий шаҳарларга бўлишимиз мумкин. Бу ўринда улар ўша даврда бажарган вазифаларини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳар – одамларнинг нисбатан кадимги ва шу билан бирга энг замонавий худудий жойлашув шакли бўлиб, унинг тақдири ва гуллаб-яшнаши билан унда яшовчи ҳар бир фуқаро кизиқиши табиийдир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиши атроф-муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб бу жараён ижтимоий тузум таракқиёти ва хусусиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Шаҳар – бу инсоният томонидан табиий яратилган ҳаётий зарурат бўлиб, унинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Жамият таракқиёти нағижасида шаҳар шаклланади, ривожланади ва кенгайиб боради. Шаҳар – меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўринишидир. Айнан шунинг учун ҳам шаҳарларнинг пайдо бўлиши меъморчилик иншоотларининг қад кўтариши билан бевосита боғлиқдир. Шаҳар – бу режали, мураккаб тузилишга эга худуд бўлиб бу ерда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган хунармандчилик кабилар марказлашади. Шаҳарларнинг таракқий этиши кўплаб омиллар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.

### **Таянч сўзлар**

Урбанизация жараёнлари, шаҳарлашув, илк шаҳарлар, шаҳар маданияти, “шаҳар” тушунчаси, ижтимоий-иқтисодий таҳлил, эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли, социологик таҳлил, “шаҳар тузилмалари”, “шаҳарсозлик инкилоби”, “йирик марказ”, тузилиш-вазифавий таҳлил, Дьяконов-Якобсон концепцияси, худудий ёндашув, хўжалик ва деҳқончилик воҳалари маркази.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Илк шаҳарлар тарихшунослиги бўйича нималарни биласиз?
2. Илк шаҳар тушунчасини илмий изоҳлашда қандай жараёнларга асосий эътибор бериш лозим?
3. Шаҳарлар ҳақидаги Дьяконов-Якобсон концепцияси моҳиятини тушунтириб беринг.
4. “Шаҳар тарихий тушунчаси” ҳақидаги билимларингизни ошириш учун бу масалага доир қўшимча адабиётлардан фойдаланинг.

### 3-мавзу. Қадимги Шарқда шаҳар марказлари пайдо бўлишининг асослари ва шарт-шароитлари

Жамиятдаги маълум бўгин сифатида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши бутун жамият ҳаётидаги чуқур сифатий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу тарихий-маданий ривожланиш натижасида шаҳарлар қишлоқлардан келиб чиқади. Ушбу жараён натижасида иккала қарама-қаршилик бирлашувига асосланган жамият ривожланишининг давр тақозо этган ўта муҳим янги қонуниятлари маълум тузум сифатида ўрнагилади. Муҳим янги ижтимоий жараён сифатида шаҳарлар шаклланишидаги дастлабки шарт-шароитлар илғор ва нисбатан жадал ривожланган (маълум тарихий ва табиий шароитларда, албатта) жамиятда, кўп қиррали меҳнат тақсимоти жараёнининг доимий чуқурлашуви натижасида пайдо бўлади.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва омиллари масалалари бўйича турли йилларда В.М. Массон, Б.А.Литвинский, А.А.Асқаров, В.И. Сарианиди, Э.В.Сайко, И.М.Дьяконов, Г.Е.Арешян, Т.Ш.Ширинов, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев ҳамда қатор хорижлик олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уларнинг турли ҳажмдаги мақолалари ва монографияларида илк шаҳарлар пайдо бўлиш асослари, омиллари ва шарт-шароитлар, дунё тарихидаги қадимги шаҳарлар билан қиёсий таҳлил масалалари кўриб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, каммаҳсул меҳнат ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг нисбатан паст даражаси шароитида меҳнат тақсимоти жамият ривожланишининг ягона асоси эди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, доимий табақаланиш жараёни ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ихтисослашуви меҳнатнинг умумий ҳажми ва кўшимча маҳсулот ўсишини таъминлаб, эҳтиёжлар тартибининг мураккаблашувига олиб келади. Фикримизча, бу жараён эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший муносабатларнинг кейинги табақалашуви учун кенг имкониятлар яратади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, цивилизациянинг энг қадимги ўчоқларида дастлабки деҳқонларнинг меҳнат шароитлари ҳамда таъминоти, меҳнатнинг ташкил этилиши муҳим ахамиятга эга бўлиб, тобора ўзига хос

бўлиб бораётган ташиббускорлик, бунёдкорлик, ҳарбий ва диний вазифаларнинг алоҳида бўлишига олиб келади (2-жадвал). Айни пайтда, дастлаб табакавий тенгсизлик кўринишида бўлган ижтимоий табақаланиш бўлиб ўтади. Шунингдек, мулкӣ тенгсизлик ва шахсий карамликнинг пайдо бўлиши учун имкониятлар юзага келади.

Сиёсий жамиятдаги ижтимоий табақаланишнинг хусусиятлари ва даражасини изоҳлаш пайтида, турли муносабатларни эмас, балки уруғ жамоасининг устунлик килишини ҳисобга олган ҳолда, қадимги кўмиш маросимлари, турар жойлар ва бошқалардан табақаланиш ҳақидаги археологик маълумотларнинг тарихий таҳлилига эҳтиёткорлик билан ёндашув талаб этилади. Кўп қиррали меҳнат тақсимотини умумий тартибда ажралиши ва турли кўринишдаги бошқарув вазифалари манзилгоҳлар турларининг ўлчамларига кўра ҳамда жамоат ишларининг ташкилий аҳамиятига қараб табақаланишга имконият яратди.

Демак, куйидаги шарт-шароитлар илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун асосий ва муҳим ўринда туради:

1. Қишлоқ (манзилгоҳ)ларнинг аҳоли сонига қараб кенгайиб бориши.
2. Қишлоқ (манзилгоҳ)ларда аҳоли табақаланишининг бошланиши.
3. Меҳнатнинг марказлашуви ва меҳнат фаолиятининг чуқурлашиб бориши.
4. Меҳнатнинг янги эҳтиёжларни қондиришдаги зарурий шарт сифатида ихтисослашуви (3-жадвал).

Бронза давридаги меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоти илк шаҳарлар шакллана бошланиши учун муҳим имконият яратибгина қолмай, бу жараённинг асосий иқтисодий омили ҳам бўлди. Ушбу меҳнат тақсимоти натижасида ҳунармандчилик дехқончиликдан ажралиб чиқди. Бу жараён натижасида жамиятда ишлаб чиқариш бўғинларининг хусусиятларида ва унинг тузилишида ўзгаришлар бўлиб ўтади.

Ижтимоий-иқтисодий фаолиятдаги ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоти илк шаҳар маданияти пайдо бўлишининг дастлабки шарт шароитлари ҳисобланади. Тарихий-маданий ва ижтимоий-

тарихий таджикотлар урбанизация жараёни шакллана бошланган даврдаги ишлаб чиқарувчи иқтисод даражаси ва ижтимоий меҳнат тақсимоти шакллари аниқлашда кенг имкониятлар яратади. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мавжуд даражаси алоҳида бошқарув игтифоки ва ижтимоий ҳаётни бошқаришга бўлинган жамият таъкилотининг анчагина табақалашган шаклига мос тушади. Дастлабки шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётдаги сифатий янгилик даражаси ўзига хос бўлиб, у ҳар томонлама кишлоқ жамоалари турмуш тарзидан кескин фарқланади.

Илк шаҳарнинг пайдо бўлишида кўплаб ижтимоий-маданий хусусиятдаги омиллар сабаб бўлишига карамай, турли шароитларда у ёки бу гуруҳ нисбатан устунлик қилади. Фикримизча, аниқ тарихий-маданий шароитларда шаҳар маданиятининг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий (хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши), ҳарбий-сиёсий (мудофаа иншоотларига бўлган эҳтиёж) ва бошқарув (бошқарув тизимининг ажралиши) тартибларининг мавжудлиги билан узвий боғлиқдир.

Меҳнат тақсимотини шаҳарлар пайдо бўлишидаги асосий сабаблардан бири сифатида кўриб чиқаётган пайтимизда бу жараённинг дастлабки даврда нисбатан тор ҳудуд доирасида юз беришини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Шаҳар маданиятининг шаклланиши хўжалик-маданий типлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ривожланиб, айрим жамоалар ўртасидаги меҳнат тақсимотига айланиш даражасига мос келади.

Илк шаҳар маданиятининг муҳим кўринишларидан бири – аҳолининг турли қатламлари яшовчи турли шаклдаги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши ва ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, шаҳар маданиятининг шаклланиши этногенетик жараёнларда сифатий янги босқич бошланганлигидан далолат беради.

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик иқтисодиёти ва аҳолининг ўсиши натижасида йирик аҳоли манзилгоҳлари – озиқ-овқат захираси, хунармандчилик фаолияти, жамоа ибодатхоналари ҳамда ҳокимият органлари

марказлашган ҳудудларга – қишлоқ хўжалик вилоятлари ёки воҳаларнинг марказларига айланиб боради.

Илк шаҳарларнинг вазифавий ҳолати ҳамда уларнинг ички тузилиши ўзига хос хусусиятларга, ўз ривожланиш шаклига эга. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бронза даври Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг шаклланишида суғорма дехқончилик асосий аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, Ўрта Шарқнинг айрим илк шаҳарлари бундан мустасно (мисол учун, Афғонистондаги Мундигакнинг шаклланишида ложувард-транзит йўли катта аҳамиятга эга бўлган).

Жаҳон тарихига بازار ташлайдиган бўлсак, урбанизация жараёнлари барча ҳудудларда бир хил кечмаган ва бу жараён бир неча давр ва босқичлардан иборат. Мисол учун, мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида Мисрда Энхаб (Нехен) ва Буто шаҳарлари пойтахт шаҳарлар сифатида мавжуд бўлган бўлса, мил. авв. III минг йиллик бошларида Месопотамияда Киш, Урук, Лагаш, Умма, Ларса каби йирик шаҳарлар бор эди.

Қадимги Элам ва Эрондаги дастлабки йирик шаҳар марказлари Суза, Аншан, Шаҳри Сўхта кабилар ҳам мил.ав. III минг йилликнинг бошларига оид.

Айнан мана шу даврда Ҳиндистонда Моҳенждаро, Хараппа ва Калибанган каби йирик шаҳар марказлари тараққий этади. Дунё тарихидаги ушбу илк шаҳар марказларининг ривожланиш бир неча даврларни ўз ичига олади.

Дастлабки шаҳарлар ўша давр (яъни бронза даври - Б.Э.) учун жиддий кўриниш бўлиб, улар бошқарув ва турли маросимлар марказига айланади. Уларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, аҳоли эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган манзиллар, ҳукмдор ва унинг маъмурияти, диний маросимлар вакиллари, шунингдек, атроф қишлоқ хўжалик туманларида ишловчилар мавжуд эди. Ишлаб чиқаришдаги иқтисодийнинг ташкил топиши, суғорма дехқончилик ва уй чорвачилигининг ривожланиши, дастлабки металлнинг (мис, бронза) ўзлаштирилиши ҳамда улардан меҳнат, жанговар, уй-рўзгор буюмларининг тайёрланиши ва ниҳоят, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида, жумладан, Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг ҳар бир тарихий-маданий воҳасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ривожланган деҳқончилик асосида илк шаҳар марказлари пайдо бўла бошлайди. Ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи марказларга ҳозирги кунда Жанубий Туркменистондаги Олтиңдепа, Намозгоҳдепа, Улугдепа, Гонур 1, Жанубий Ўзбекистондаги Сополлитена, Жаркўтон, Шимолий Афғонистондаги Дашли 3, Жанубий Афғонистондаги Мундигак, Жануби-шарқий Эрондаги Шаҳри Сўхта, Шимолий Эрондаги Ҳисор қабиларни киритиш мумкин.

Жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар ва омиллар мил. авв. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларига келиб юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиё ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик маданияти белгиларини акс эттирувчи аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига олиб келди. Дастлабки шаҳарларда аҳолининг турли ишлаб чиқаришдан келган кўшимча маҳсулоти, йирик иншоотлар – саройлар, ибодатхоналар, мудофаа иншоотлари каби қурилишларда, маданий ва иқтисодий алоқаларда ўзининг моддий аксини топди.

Жамият ҳаётида меҳнатнинг иккинчи ижтимоий тақсимоти юз бериши натижасида ихтисослашган ҳунармандчилик тараққий этади. Археологик маълумотлар кўҳна шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари-қуллолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик каби соҳалари анча ривожланганлигидан далолат беради. Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари улардаги йирик қурилиш иншоотлари (саройлар, ибодатхоналар ва бошқ.) кўплаб ҳунармандчилик устахоналарининг мавжудлиги мавқеи билан қишлоқлардан ажралиб туради.

Шаҳарларни жамият тараққиётининг етакчи омили сифатида юзага келиши инсоният ривожланиши тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, бу жараён ибтидоий турмушдан цивилизацияга, уруғчилик тузумидан давлатчиликка ўтишнинг бош ва асосий белгисидир. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги эътироф этганларидек, цивилизация – инсоният тараққиёти бўлиб ўтаётган жамият ҳаётининг маълум даврида пайдо бўлади. Цивилизациянинг пайдо бўлиши ва юксак даражада ривожланишида шаҳарсозлик маданиятининг аҳамияти беқиёсдир. (2-жадвал) Чунки, айнан илк



шаҳар марказларида цивилизация ривожини таъминловчи кўпгина тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтган.

Олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш ва солиштириш шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон цивилизацияси ҳам Шарқдаги дастлабки цивилизациялар Месопотамия ва Ҳиндистоннинг Хараппа маданияти билан узвий алоқада шаклланган ва ривожланган. Бу иккала машҳур цивилизациялар оралиғида жойлашган Ўрта Осиё қадимги Шарқ халқларининг ягона иқтисодий ва маданий тизимга бирлашувида ҳамда улар ўртасидаги турли алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мил. авв. III минг йилликка келиб Ўрта Осиё дарё воҳаларида ўлчамлари жиҳатдан каггагина бўлган жамоат ишшоотлари, душмандан ҳимояланиш воситаси бўлган мустаҳкам деворлар пайдо бўлиши дастлабки шаҳарсозлик маданияти белгилари эди. III-II минг йилликларга келиб эса, Ўрта Осиё жамиятида содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари илк шаҳарларнинг кейинги ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишидаги энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Ўзига хос қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданияти узоқ ва босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Хусусан, А.Аскарлов ва Т.Шириновларнинг Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳар маданиятига бағишланган махсус монографиясида таъкидланишича, Ўрта Осиё жамияти тараққиётидаги урбанистик жараёнларнинг бошланиши узоқ вақт антик давр, деб ҳисобланиб, янада қадимги ёдгорликлар назардан четда қолган. Ваҳоланки, Ўрта Осиёнинг шаҳар маданияти қисқа муддатли тарихий ҳодиса бўлмасдан, четдан кириб келмаган. Бу ҳолат узоқ давом этган урбанистик жараёнларнинг натижаси бўлиб, жанубий ҳудудларда бронза давридаёқ бошланган эди.

Демак, айрим тадқиқотчиларнинг илк шаҳарлар босқичлари ва тараққиёт даврлари ҳақидаги маълумотларини таҳлилий этамиз. Ўтган асрдаги инглиз олими В.Гарнинг фикрича, Ўрта Осиёда грек-македон босқинига қадар мустаҳкамланган манзилгоҳлар — шаҳарлар бўлмаган. Тадқиқотчи ушбу фикрини Помпей Трог ва Чжан Цзян берган маълумотларига таяниб Бактрия ва

Фарғонанинг кўп сонли шаҳарлари Грек-Бактрия подшоларининг маълум сиёсати туфайлигина пайдо бўлган дея асослайди.

Аmmo C.П.Толстов кўпгина маълумотларга асосланиб, Ўрта Осиёнинг аҳмонийларгача ҳам, ундан кейинроқ, эллинизм даврига оид бўлган мустаҳкамланган манзилгоҳларининг истехкомларида ҳамда уларнинг ички режавий тузилишида грек маданиятининг таъсири сезилмайди, деган фикрни илгари сурди.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, C.П.Толстовнинг бу фикри бир томондан тўғри. Чунки, аҳмонийларгача бўлган даврда Ўрта Осиё шаҳарлари тузилиши ўзига хос бўлиб, уларда ташки таъсир кам бўлган. Иккинчи томондан эса ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб Бактрия ва Парфия худудларида олиб борилаётган кўп сонли археологик тадқиқотлар маълумотлари Ўрта Осиёнинг эллинистик ва кушон-парфия даври меъморчилиги ва шаҳарсозлигида эллинизмнинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда ҳозирги кунга қадар бутунлай эллинизм шаҳарсозлиги анъаналарига асосланиб бунёд этилган шаҳарлар аниқланмаган (Ойхоним кўҳна шаҳри бундан мустасно).

Ўрта Осиё шаҳарсозлиги маданияти қадимги даврларга бориб тақалиши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Б.А.Литвинский Ўрта Осиё қадимги шаҳарсозлиги маданиятини қуйидаги босқичларга бўлади:

1. Дастлабки шаҳармонанд (протогород) қишлоқлар (мил. авв. III-II минг йилликлар).
2. Энг қадимги шаҳарлар (мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг биринчи чораги).
3. Антик давр шаҳарларининг шаклланиши (мил. авв. VI-IV асрлар).
4. Шаҳарсозлик дуализми ва Ўрта Осиё эллинистик аралашувнинг бошланиши (мил. авв. IV – II асрлар).
5. Ўрта Осиё-Эллинизм-Ҳинд маданияти умумлашуви ва Ўрта Осиё қадимги шаҳарларининг нисбатан ривожланиши (мил. авв. I – милодий III – IV асрлар).

В.М.Массон эса Ўрта Осиё урбанизация жараёнини қуйидаги икки даврга бўлади:

- 1). қадимги Шарқ (мил. авв. III минг йилликнинг охири мил. авв. I минг йилликнинг ўрталари):

2). антик давр (мил. авв. III – милодий IV асрлар):

Т. Шириновнинг фикрича, тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилаётган урбанизация жараёнларини даврлаштириш жуда мушкул. Қолаверса, ҳар бир тадқиқотчининг ўртага ташлаган фикри ўша тадқиқотчини ўз материали ва иш услубидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қай даражада ечилишига қарамай, тадқиқотчилар бир нарсага умумий фикр билдирадilar: Марказий Осиёда шаҳарлар бошқа жойларга нисбатан анча олдин пайдо бўлган.

Юқоридаги қадимги шаҳарлар ривожланиш босқичлари ва даврлари асосан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига ҳосдир. Чунки, Ўрта Осиёнинг шимолий ва хусусан, шимолий-шарқий ҳудудларида шаҳарларнинг ривожланиши шаклланишнинг ўзгача йўллари ақс эттирувчи бошқачароқ тарихий-маданий шароитларда бўлиб ўтган. Фикримизча, Ўрта Осиёнинг турли тарихий-маданий вилоятларидаги шаҳарлари маълум умумийликка эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиши ва ривожланиши, меъморий тузилиши, моддий ва бадиий маданияти ҳамда шаҳар ҳаёти нуқтани назаридан бир-биридан кескин фаркланади. Бу ўринда, бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган, бир неча аср мавжуд бўлиб кейин инқирозга учраган кўҳна шаҳарлар учун турли босқичлар ва даврларни бошдан кечириш мустаснодир.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрларини қиёсий ва умумлашма таҳлили асосида, қадимги Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қуйидаги тўртта асосий даврга бўлиш мумкин:

1). Жанубий Туркменистон ҳудудларидаги энеолит даврининг нисбатан ривожланган дастлабки дехқончилик манзилгоҳлари (мил. авв. IV-III минг йилликлар):

2). Ўзбекистоннинг жануби, Зарафшон воҳаси, Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркменистон ҳудудларидаги бронза даврининг ривожланган қишлоқлари ва уларнинг шаҳарларга айланиши (мил. авв. III – II минг йилликнинг охирилари):

3). Бактрия, Сўғдиёна, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразм ҳудудларидаги илк темир даврининг дастлабки шаҳарлари (мил. авв. I минг йилликнинг бошлари ва иккинчининг чораги):

4) Ўрта Осиё худудларидаги эллинистик-антик давр шаҳарлари (мил. авв. III – милодий III асрлар).

Иктисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар шаҳарлар белгилари учун асосий ҳисобланади. Ундан ташқари шаҳарсозлик учун табиий-географик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, шаҳарнинг географик жойлашуви худуди, сув билан таъминланганлиги, қазилма бойликлари мавжудлиги, савдо-маданий алоқалари (қарвон йўллари), диний иншоотлар ҳам муҳимдир (4-жадвал). Демак, кўпчилик тадқиқотчилар «шаҳар» деб эътироф этадиган йирик аҳоли яшаш маконида барча шарт-шароитлар, яъни шу худудда аҳолининг уюшиб яшаши учун керак бўладиган барча дунёвий, диний ва иктисодий уюшмаларнинг бир бутун, яхлит ташкилоти қарор топади.

Сўнги йилларда илк шаҳарлар масалалари билан шуғулланаётган Т.Ш.Ширинов докторлик диссертациясида бронза даври Ўрта Осиё илк шаҳарларининг қуйидаги археологик белгилари рўйхатини келтиради:

1. Юқори табақа вакиллари, ҳоким яшайдиган сарой тизими.

2. Тоат-ибодат қилинадиган жойлар – ибодатхона, топиниш ва сиғиниш билан боғлиқ иншоотлар мавжудлиги.

3. Ҳимоя деворлари билан ўралган қалъа-аркнинг алоҳида бўлиши, унинг ичида ҳукмдор ва унинг яқинлари яшайдиган уй-жойларнинг бўлиши.

4. Турар – жойлар ва бошқа жамоат маҳаллалари, зич қурилишлар билан банд бўлган худуднинг катта (3-6 гектардан кам бўлмаган) майдони, ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир ерга тўпланиши, суғорма дехқончилик воҳасининг маркази.

5. Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг юқори даражаси, хунармандчилик даҳалари – кулолчилик, заргарлик, металлчилик, тўқувчилик, қурилиш, тошга ва териға ишлов бериш кабиларнинг алоҳида бўлиши.

√ 6. «Йўлбошчилар» даҳмаларида кимматбаҳо буюмлар, ажралиб турувчи муҳр-рамзлар ва бойликнинг мавжудлиги;

7. Маҳобатли қурилишларнинг (сарой, ибодатхона ва бошқ.) ташқи кўриниши, режавий тузилиши ва хоналари ишланиш-жихозлаш услублари жиҳатидан бошқа турар-жойлардан кескин фарқланиши;

8. Кенг савдо-алмашинув жараёнларидан дарак берувчи ва ўша ҳудуд маданиятига ҳос бўлмаган сопол, суяк, тош, металл буюмлар ва қимматбаҳо тошларнинг мавжудлиги.

9. Тошга накш ўйиш санъати (глиптика), балки, ибтидоий ёзувнинг мавжудлиги.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, юқоридаги археологик белгилардан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи белгилар асосий бўлиб қолганлари иккинчи даражали ҳисобланади.

Тадқиқотчилар фикрларини умумлаштиридиган бўлсак, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг кенг деҳқончилик воҳалари ҳудудларида аҳолининг алоҳида жойлашуви тизими шаклланади. Бу жараён ўз навбатида ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Фикримизча, ушбу имкониятлар қуйидаги асосий ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ эди:

– ўтроқ деҳқончилиكنинг пайдо бўлиши натижасида аҳолининг маълум ҳудудларга тўпланиши ҳамда бу жойларда бошқа ҳудудларга нисбатан зич жойлашуви;

– меҳнатнинг иккинчи йирик ижтимоий тақсимоти, яъни хунармандчилиكنинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши натижасида айрим аҳоли манзилгоҳларида ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши;

– ижтимоий табақаланиш жараёнларининг чуқурлашуви ҳамда мавжуд жамиятдаги бошқарув тизимининг янада мураккаблашуви (йирик аҳоли манзилгоҳларида бошқарув тизими шаклланади ва марказланади);

– энг қадимги йўлларнинг ривожланиши натижасида ҳудудлар ўртасида маданий ва иқтисодий муносабатлар, хусусан, савдо-сотиқ алоқаларининг тараққий этгиши (мил. авв. IV – III минг йилликлардаёқ Жанубий Туркманистон ҳудудларида дастлабки лойдан ясалган гилдираклар пайдо бўлган бўлса, мил.авв. III минг йиллик ўрталарига келиб эса туяга, баъзан, ҳўкизга қўшиб ишлатадиган аравалар пайдо бўлади). Транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишлоқ хўжалиги ҳудудларининг маркази ҳамда қундалиқ зарурий ва қўшимча маҳсулотни тақсимловчи марказ вазифасини бажариш имконини яратади.

Шаҳарлар пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари диний, ҳарбий-стратегик ва табиий-географик омиллар ҳам ниҳоятда муҳимки, фикримизча, улар куйидагилардир:

- эътиқод, диний-мафкуравий қарашларнинг тараққий этиши натижасида ибодат иншоотларининг шаҳар марказларида қад кўтариши (шаҳарлар диний марказ сифатида);
- қалъаларнинг пайдо бўлиши ва уларда мустаҳкамланган манзилгоҳларнинг кўрғонлар ҳамда шаҳарларнинг муҳим белгиси сифатида шаклланиши;
- ўз давридаги ҳарбий-сиёсий вазият (атроф кўчманчиларнинг ҳужумлари ва ўзаро урушлар) туфайли қалъаларнинг кўрғонларга айланиши ва ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниши;
- экологик ва географик шарт-шароитлар (дастлабки шаҳарларнинг яшаш учун қулай бўлган дарё воҳалари ва тоғ олди ҳудудларида пайдо бўлиши) мавжудлиги.

Шаҳарлар тараққиётининг кейинги босқичларида шаҳарларнинг айрим тузилиш белгилари ўзгаришига қарамай шаҳарсозлик кўринишининг асосий моҳияти ҳисобланган ҳамда ўзида ижтимоий ва маданий-маиший белгиларни мужассамлаштирган уч қисмлик (қалъа – ҳоким маскани; шаҳарнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи, савдо-сотик ҳамда турар жойлар мавжуд бўлган қисми; шаҳар олди – диний кўмиш маросимларига оид ва ишлаб чиқарувчи қисм) аслида ўзгармасдан аввалигича қолади.

Демак, асослари энеолит даврига бориб тақалувчи Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг ўзига хос тарққиёт йўли ва ривожланиш босқичлари ҳамда даврлари мавжуд. Ушбу жараёни даврлаштиришда асосан археологик маълумотларга таянганимиз туфайли у оғир кечади ҳамда кўп ҳолларда мукамал эмас. Бинобарин, бу масала ҳали тўлиқ ечимини топган эмас ва ҳали яна кўплаб тадқиқотлар талаб этиладиган масала ҳисобланади.

Жаҳон цивилизациясининг маълум даврларида урбанизация жараёнлари жамиятнинг ҳар томонлама тараққий этишида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ривожланишини шаҳарларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, шаҳарларнинг ривожланиши иккита-тартибсиз бунёд этиладиган иншоотлар ва

бир ҳудудда жойлашган манзилгоҳлар ўсиб шаҳар уюшмаларига айланиши, шунингдек, маълум даврларда жамоат, турар жой, мудофаа иншоотлари, кўчалар ва майдонлар каби омилларнинг ўзаро таъсири нагжасида бўлиб ўтади. Шаҳарлар пайдо бўлиши учун юкорида эслатилган турли-туман омиллар сабаб бўлганидек, шаҳарларнинг ўзи илк давлатчиликнинг асосий ва муҳим омили сифатида шаклланади.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бутун дунё ҳудудларида кенг миқёсда олиб борилаётган археологик қазилмалар ҳамда тадқиқотлар дунё тарихидаги илк шаҳар марказларини ўрганиш масалаларига кўплаб аниқликлар киритиш ва янги маълумотлар олиш имкониятларини яратди. Бу борада, дунё тарихидаги илк шаҳар марказлари пайдо бўлишининг асосий-ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳамда маданий омиллари ҳақидаги янги илмий маълумотлар айниқса диққатга молиқдир.

Ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган илмий-тарихий адабиётларни қиссий-тарихий таҳлил этиш асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, жамият ҳаётида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ўтроқ деҳқончиликнинг тараққий этиши, ихтисослашган хунармандчилик ҳамда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши каби омиллар жаҳон тарихидаги илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун ҳам хосдир.

Дунё тарихидаги дастлабки урбанизация марказлари қуйидагилардир:

- Месопотамия, Миср;
- Ҳиндистон, Хитой;
- Эрон, Ўрта Осиё, Афғонистон;
- Крит, Юнонистон.

Дунё тарихидаги илк цивилизация ўчоғларидан бири ҳисобланган қадимги Месопотамия ҳудудлари асосан ҳозирги Ироқ ерларига тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарида бошланган Месопотамия ёдгорликларини ўрганиш борасида ҳозирги кунга қадар самарали ишлар амалга оширилди.

Бу ишлар орасида Л.Вулли, С.Ллойд, Ф.Сафар, Ж.Оутс, Р.М.Мунчаев, В.М.Массон, А.Л.Перкине, Г.Чайлд, И.М.Дьяконов, А.И.Тюменков каби тадқиқотчиларнинг ишлари айниқса муҳимдир. Бу борада айниқса Месопотамия паст текислигининг шарқий чегараларда жойлашган Али Кўш манзилгоҳи

тадқиқотлари диққатга сазовордир. Асослари мил. авв. VII-VI минг йилликларга оид бўлган ушбу ёдгорликдан кўпол хом гиштлардан (25x15x10) кад кўтарган турар-жой колдиклари, чорвачилик ва дехкончилик билан боғлиқ бўлган буюмлар, хунармандчилик ашёлари топиб ўрганилган.

Илмий адабиётларда Хассун маданияти деб ном олган Иккидарё оралиғига хос маданият мил. авв. VI минг йилликнинг ўрталари ва охирилари билан саналанади. Ушбу маданият соҳиблари асосан ўтроқ дехкончилик ва чорвачилик хўжалиги юритганлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Хассун моддий маданиятининг муҳим томони паҳса-блоклардан кад кўтарган уйлар ҳисобланади.

Уйларнинг режавий тузилиши кўп ҳолларда тўғри бурчакли айрим ҳолларда ярим айлана кўринишда бўлган. Топилмалар орасида ҳайвон суяклари, кўпол сопол идишлар, дехкончилик билан боғлиқ қуроқлар ва айникса мис ашёлар кўпчиликни ташкил этади. Хассун манзилгоҳини «шаҳар» деб таърифлашга етарли асос бўлмасида, ушбу ёдгорлик жамият бошқарувида маълум аҳамиятга эга бўлиб, аҳолиси ўтроқ турмуш тарзи ўтказганлиги шубҳасиздир.

Месопотамия цивилизациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Алаф маданияти ҳам мил. авв. VI минг йилликка оид бўлиб, ушбу маданият соҳиблари Иккидарё оралиғига хос дехкончилик ва чорвачилик, хўжалик ҳамда маданий анъаналарни саклаб, уларни янги асосда ривожлантирганлар. Ушбу маданиятнинг босқичма-босқич ривожланишини жанубий Месопотамиядаги мил. авв. V—IV минг йилликка оид Эриду казишмалари тасдиқлайди. Бу ердан топилган топилмалар (идишлар, тақинчоқлар ва бошқ.) Ур ва Урук топилмаларига анча ўхшаш бўлиб, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги Шумернинг учта муҳим марказлари бўлган Эреду, Ур ва Урук айнан мана шу даврдан ўз тараққиёт йўлини бошлайди.

Мил. авв. V минг йилликнинг сўнгги чораги—IV минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Жанубий Месопотамия тараққиётида янги босқич бошланиб ушбу босқич суғориш каналлари тартиби, хунармандчиликдаги кулолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик, тўқимачилик каби соҳаларнинг тараққий



этиши билан изоҳланади. Аҳоли сонининг ўсиши натижасида кичик манзилгоҳлар билан биргаликда майдони 10 гектаргача бўлган йирик марказлар пайдо бўлади. Майдони кенгайган манзилгоҳлар нафақат атроф қишлоқ хўжалик марказлари балки, ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказлашган ҳақиқий маънодаги шаҳарларга айланиб боради. Ушбу илк шаҳарларнинг маркази ибодатхона, айрим ҳолларда бутун ибодатхона мажмуи ҳисобланган (6-жадвал). Илк шаҳарлар бошқарув тартибида қохинлар катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун улар маъмурият марказ вазифасини ҳам бажарган.

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига келиб қадимги Месопотамия ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бу давр Жамдет Наср (шу номли манзилгоҳдан олинган) маданияти даври бўлиб, ушбу маданиятга хос ёдгорликларда мис қуроқлар кўпчиликти ташкил этиб, қурилиш ишларида пишиқ гиштлар кўпроқ ишлатила бошланади. Мудофаа-фортификация тартиби ҳам ривожланиб ибодатхона ва саройлар мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинади.

Мил. авв. III минг йиллик бошларига келиб Месопотамияда кўплаб халқлар яшар эдилар. Мисол учун, Жанубда шумерлар, Дажла ва Фротнинг ўрта оқимида аккадлар, шимолда хурритлар кабилар яшардилар. Месопотамиянинг турли ҳудудларидаги кичик манзилгоҳлар ривожланиб Ашшур, Мари, Ниневия каби йирик шаҳар марказлари пайдо бўлади. Айнан мил. авв. III минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Месопотамиянинг жанубида Эреду, Ур, Ларса, Урук, Лагаш, Умма, Шуруппак, Иссин, Ниппур, Киш каби шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Ушбу шаҳар-давлатлар асосида кейинги даврларда йирик марказлар тараққий этдики, улар ривожланишида қадимги Шарқ урбанизация жараёнларининг ўзига хос томонлари ҳамда ўзаро алоқаларини кузатишимиз мумкин.

**Қадимги Эрон** ҳудудларида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва дастлабки манзилгоҳлар ҳамда кўҳна шаҳарлар масалалари бўйича турли йилларда Ж.Морган, Э.Шмидт, Р.М.Гиршман, Р.Брейдвуд, П.Маргенсен, К.Фианнери, Р.Дайсон, П.Амьё, М.В.Массон, Ле Бретон, М.Този каби олимлар тадқиқод ишлари олиб борганлар.

Ўрта Осиёнинг жануби ва жануби-ғарбий ҳудудлари билан бевосита чегарадош бўлган қадимги Эроннинг тоғ олди ҳудудлари ва уларга яқин бўлган ерлари мил. авв. VI минг йилликнинг ўрталаридаёқ ўтроқ дехқончилик жамоалари томонидан ўзлаштирила бошланган эди. Тадқиқотлар натижасида аниқланган Сиалк I маданияти айнан мана шу жараёндан далолат беради. Ушбу маданиятга хос ёдгорликлар Эрон ясси тоғлиги марказидаги учбурчаклик Қазвин-Техрон-Кашан ҳудудларида айниқса кенг тарқалган эди. Бу ҳудудлардаги субтропик иқлим чегараланган миқдорда бўлса ҳам ғалла экинлари ўстиришга имконият яратиб, бу жараён сунъий сугоришнинг дастлабки кўринишлари билан боғлиқ эди. Айнан мана шу ҳудудларда илк дехқончилик аҳолисининг манзилгоҳлари пайдо бўлиб, дастлабки дехқончилик воҳалари шаклланади. Сиалк I маданияти учун паҳса уйлар, нақшиндор сополлар, мис тақинчоклар хос бўлиб, Сиалк манзилгоҳининг ўзи ўлчамлари жиҳатдан унча катта бўлмасдан 3 гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Мил. авв. V–IV минг йилликларда Сиалк I маданияти тараққиёт босқичларини (Сиалк II, III) босиб ўтади. Қадимги Эрон ҳудудларидаги бевосита шу даврга оид-Хўда Фируз, Чашма Али, Гиён, Исломобод, Тепа Ҳисор, Тали Бакуи каби ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бу давр қадимги Эрон жамияти ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтади. Аҳолининг ўтроқлашув жараёнлари фаоллашиб хўжаликда ҳайдама дехқончилик устунлик қила бошлайди. Ишлаб чиқаришнинг фаоллашуви натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти кучайиб ҳунармандчилик соҳалари чуқурлаша бошлайди.

Тарихий-маданий ривожланиш жараёнларининг жадаллашуви Эроннинг жануби-ғарбий ҳудудларидаги нотекис тараққиётга сабаб бўлди. Бу ҳудудларда иккита зона-қадимги Шарқ кўринишидаги шаҳар цивилизацияси ҳамда айнан шу йўлдан, лекин секинроқ тараққий этган ўтроқ дехқончилик жамоалари шаклланади. Марказий ва Жануби-шарқий Эронда янги, ўзига хос маданиятлар пайдо бўлиб, бу ўчоғларга ўзига хос маданий анъаналарга эга бўлган илк Элам экспансияси кузатилади. Бу ҳудудларда тараққий этган маданият Шимолий Балужистон, Жанубий Туркменистон, шимолий Месопотамияга

(Убайд маданияти) хос маданият билан кўп ҳолларда ўхшашлик топади.

Мил. авв. III–II минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Элам ҳудудларида Хузистон ва бошқа илк дехқончилик маданияти ўчоғларидан ташқари шаҳармонанд ёки илк шаҳар маданияти кўринишидаги маҳаллий цивилизация ривожланиш жараёнлари кузатилади. Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, ушбу жараён Элам жамоалари ривожланиши билан солиштириб қараганда нисбатан секинроқ даражада бўлиб ўтади ҳамда кўп ҳолларда маҳаллий маданий мажмуалар билан қўшилиб кетган Шумер ва Элам шаҳарсозлик маданияти анъаналарини давом эттиради.

Ушбу янги даврга оид топилмаларни Шимоли-шарқий Эрон ҳудудларидаги Тепа Ҳисор, Шохтепа, Тўрангтепа каби ёдгорликларда кузатиш мумкин. Булар орасида нисбатан ривожлангани Тепа Ҳисор бўлиб рангдор сополлар, турар-жой қолдиқлари, меҳнат қуроллари ва кўплаб тақинчоқларнинг топиллиши шундан далолат беради.

Эроннинг шарқидаги (Сейистон) Гильменд дарёси ҳавзасида унча катта бўлмаган қатор илк дехқончилик манзилгоҳлари жойлашган бўлиб, улар орасида ўлчамлари катталиги ва маданиятининг бойлиги билан Шаҳри Сўхта кўҳна шаҳри алоҳида ажралиб туради. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Шаҳри Сўхтанинг қуйи қатламлари мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига оид ҳамда бу ёдгорлик қадимда бутун воҳанинг маркази ҳисобланган. Маълум бўлишича, Гильменд дарёси ҳавзаси ўзлаштирилиши даврида бу ҳудудларга келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган аҳоли гуруҳлари кириб келади ва улар маданий анъаналарга сезиларли таъсир кўрсатадилар. Ушбу таъсирни Шаҳри Сўхта топилмаларининг Шимолий Балужистон, Жанубий Туркменистон топилмаларига (сопол идишлар, тақинчоқлар, муҳрлар, турар-жойлар тузилиши ва бошқ.) ўхшашлиги орқали кузатишимиз мумкин.

Мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб Шаҳри Сўхта кўҳна шаҳри тараққиётида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Турли шаклдаги сополлар ўрнига, қулоччилик чархида тайёрланган сопол идишлар пайдо бўлади. Шаҳар майдони кенгайиб 80 гектарга яқини ташкил этади. Қурилиш услуги

ўзгариб, турар-жойлар зичлашади. Кўхна шаҳарни ўраб турган ҳимоя деворлари пайдо бўлади. Гопилмаларнинг кўпчилигига қараганда айнан мана шу даврда Шаҳри Сўхта кимматбаҳо ложувард (лазурит) тошини қайта ишлаш ҳамда кўшни ҳудудларга олиб чиқиш марказига айланади. Хуллас, мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида Шаҳри Сўхта йирик шаҳар маркази сифатида мавжуд эди.

Эроннинг шимоли-ғарбий ҳудудларидаги ривожланиш жараёнлари нисбатан кам ўрганилган. Бу ҳудудларда сиёсий ҳокимиятнинг шаклланишида кўшни Месопотамия давлатларининг ҳарбий-савдо экспансияси сезиларли даражада таъсир ўтказди. Бу ердаги мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмига оид шаҳар кўринишидаги йирик марказлар фикримиз далилидир. Мисол учун, Годин манзилгоҳи 15 гектарга яқин ҳудудни эгаллаб, мустаҳкам мудофаа иншоотларига, ҳамда сарой хусусиятига эга бўлган маҳобатли қурилишларга эга эди. Годин қурилиш услуби ва гопилмалари Хасанлу (Месопотамия) анъаналарига ниҳоятда ўхшашдир.

Мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб қадимги Эрон ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўлиб, ана шундай уюшмалардан бирининг маркази Корун ва Керхи воҳаларидаги йирик кўхна шаҳар Суза эди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, ушбу кўхна шаҳар Элам ва Месопотамия, Шимолий ва Шарқий Эронни боғловчи савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлиги сабабли бронза давридаёқ шаклланиб кейинги даврларда тараққиёт жараёнларини бошдан кечиради ҳамда дунё тарихидаги улкан империялардан бирининг пойтахт шаҳарига айланади.

Мил. авв. II-I минг йилликнинг бошларига келиб Қадимги Эрон жамоалари орасида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Қадимги Эрон тарихидаги катта ўзгаришлар бошланиб, бу ўзгаришлар мил. авв. VII-VI асрларда дастлаб Мидия, кейин эса Аҳмонийлар давлатининг пайдо бўлиши билан тугалланади. Олиб борилган тадқиқотлар таълими шуни кўрсатадики, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари-I минг йилликнинг бошлари Эрондаги маданий жараёнларга иккита муҳим омил ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Булардан биринчиси Ҳисор ва Шаҳри Сўхта кўринишидаги қадимги шаҳармонанд цивилизациянинг

инкирозга учраб давлатчиликнинг янгидан шаклланиши бўлса, иккинчиси-айниқса шимолий ҳудудларда, ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида мулкдорлар табақаланишининг кучайиши эди.

Мил. авв. VI минг йилликнинг охирларига келиб Нил дарёси воҳасида ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўла бошлайди. Қадимги Миср давлатининг асосини ташкил этувчи улкан дарё воҳаси ҳавзасининг ўша давр аҳолиси кўп ҳолларда чорвачилик ва айрим ҳолларда деҳқончилик хўжалиги юритганлар. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қуйи Мисрдаги Фаюм кўли ёқасида жойлашган деҳқончилик манзилгоҳлари мил. авв. V минг йилликка оиддир. Бу манзилгоҳларда яшаган аҳоли йирик ва кичик шохли чорва саклаганлар. Хўжаликда балиқчилик ҳам устунлик қилган.

Тахминан мана шу даврда Юқори Мисрда Таси маданияти соҳиблари бўлган чорвадор-деҳқонлар жамоалари мавжуд эди. Ушбу маданият соҳиблари донли экинлар ўстириш, чорва моллари саклаш билан бирга ўзига хос нақшларга эга бўлган сопол идишлар ҳам тайёрлаганлар.

Қадимги Мисрнинг турли даврларига оид ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданият тарихи билан турли йилларда К.Лепсиус, Г.Бругш, Ф.Питри, О.Мариетт, Д.Брестед, А.Море, Г.Масперо, Э.Майер, Б.А. Тураев, В.В.Струве, В.И.Авдисев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Қадимги Миср жамоаларидаги кейинги ривожланиш жараёнларини мил. авв. IV минг йилликнинг биринчи ярмига оид Амра маданияти мажмуаларида кузатиш мумкин. Бу даврга келиб кўп ҳолларда деворлар билан ўраб олинган манзилгоҳлар пайдо бўладики, бу ҳолат аҳолининг бир ерда тўпланиши ҳамда суғорма деҳқончилик тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб (Герзе маданияти даври) сунъий суғоришга асосланган Миср деҳқончилиги катта муваффақиятларга эришади. Бу даврда ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқади ҳамда аҳоли ўртасида ижтимоий табақаланиш жараёнлари бошланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра бу даврда ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотик ҳам ривожланиб боради. Мисол учун, Осиёдан кўрғошин, қумуш ва ҳатто

ложувард келтирилади, топилмалар орасида Месопотамия мухрлари ҳам учрайди.

IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб Қадимги Мисрда хўжалиқ ва иқтисодий ҳаётни, бошқарув тизимида тартибга солиб турувчи бошқарув қурилмалари ташкил топа бошлайди. Бу ҳудудлардаги дастлабки давлатлар унча катта бўлмаган вилоятлар (номлар) ҳудудларида пайдо бўлади. Бундай вилоятлар ҳокимнинг қароргоҳи ва бош худонинг ибодатхонаси жойлашган шаҳар маркази ҳамда унинг атрофидаги манзилгоҳларни ўз ичига олган. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Юқори Миср ҳудудларида 22 та, Қуйи Миср ҳудудларида 20 та номлар мавжуд бўлган. Демак, ном-вилоятлар марказлари вазифасини бажарган шаҳарлар (ёки шаҳар-давлатлар) сони Қадимги Мисрда 40 тадан кам бўлмаган.

IV минг йилликнинг охирига келиб Нил дарёси хавзасидаги қулай табиий шароит, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўп сонли ном-уюшмаларнинг бирлашувига сабаб бўлди. Дастлаб Юқори Миср, кейинроқ эса Қуйи Миср ном-уюшмалари бирлашадилар. Тарихий маълумотларда Юқори Мисрнинг пойтахти Энхаб (Нехен), Қуйи Мисрнинг пойтахти эса Буто шаҳри бўлганлиги эслатилади. Қадимги Мисрнинг бу иккала йирик давлати бир муддат қўшни яшаб ўзаро урушлар олиб боришган бўлсаларда, кейинроқ улар бирлашиб III минг йилликнинг бошларида Нилнинг бошланишидан то Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудларда марказлашган Қадимги Миср давлати ташкил топади.

Қадимги Мисрда минглаб йиллар давомида турли сулолалар ўртасида, ички ва ташқи таъсир туфайли ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар, сулолалар алмашинуви бўлиб ўтгани бизга тарихдан маълум. Шунга қарамай маълум муддат Қадимги Шарқ ижтимоий, иқтисодий сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Миср жамиятида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти бекиёс бўлди. Бу ўринда, суғорма деҳқончилиқка асосланган ўтроқ манзилгоҳлар тараққиёти, ихтисослашган хунармандчиликнинг чуқурлашуви ҳамда ўзаро алоқалар ва маданий муносабаталар нагжасида шаклланиб тараққий этган Қадимги Миср шаҳарлари ривожини ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бирга дунё тарихидаги илк шаҳарлар, жумладан

Ўрта оснѐ шахарсозлиги тараққиѐти билан ҳам умумийликка эгаллигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Фикримизча, ушбу ўхшашлик худудлар ўртасидаги қадимги даврлардаѐк бошланган ўзаро иқтисодий ва маданий (айрим ҳолларда ҳарбий-сиѐсий) муносабатларининг самараси эди.

**Қадимги Ҳинд** цивилизациясини ўрганиш бўйича Д. Маршалл, Э.Маккей, С.Ниггот, М.Уиллер, Б.Суббарао, Х.Санкалиа, В.В.Струве, В.М.Массон каби кўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу ва бошқа кўплаб тадқиқотлардан маълумки, дунѐ тарихида, ижтимоий-иқтисодий тараққиѐтда Ҳинд цивилизациясининг ўрни беқиѐсдир. Ҳинд ва Ганга дарѐлари ҳавзаларидаги қулай табиий-географик шароит Қадимги Ҳиндистон худудларида илк дехқончилик маданияти тараққиѐти учун кенг имкониятлар яратди. Панжоб воҳасида жойлашиб неолит даврига оид бўлган Жалилпур ѐдгорлиги дастлабки дехқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Бу ѐдгорликдан дехқончилик билан боғлиқ бўлган кўплаб меҳнат қуроллари билан бирга ҳам гиштлардан қад кўтарган қурилиш қолдиқлари ҳам аниқланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Жалилпур дехқончилиги билан шугулланиб ўтроқ ҳаѐт кечирувчи аҳолининг унча катта бўлмаган қишлоқ жамоасига тегишлидир.

Мил. авв. III минг йилликка келиб Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаѐтида ўзига хос бўлган ҳамда қўшни худудларга ҳам таъсир ўтказган Хараппа маданияти жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Хараппа маданиятига оид манзилгоҳларнинг сони мингга яқиндир. Аммо уларнинг типологияси ҳали етарли даражада яхши ўрганилмаган. Ушбу маданиятга оид иккита йирик марказ-Хараппа ва Моҳенждаро ҳамда майдони 5 гектардан 12 гектаргача бўлган кўхна шахарлар (Калибанган, Лотал, Котади ва бошқ) мавжуд. Адгорликларнинг асосий қисмини майдони 1 гектаргача бўлган кичик манзилгоҳлар ташкил этади. Мунгазам режа асосидаги қурилишлар, ободончиликнинг юкори даражаси ҳамда ички тузилишнинг пухта ташкил қилиниши каби хусусиятлар Хараппа йирик манзилгоҳлари учун хосдир. Хараппа марказлари айнан мана шу белгилари билан илк дехқончилик манзилгоҳларидан ажралиб туради.